

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА
КЛАСТЕРЛАШТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Б.Б. Рахматов

самиси, “менежмент” кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мақолада хорижий мамлакатларда кластерларни ривожлантириш ҳолати ва амалга оширилаётган тажрибалар таҳлили, унда давлатнинг иштироки ва роли очиқ берилди.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, кластер, инновация, рақобатбардошлик, тадбиркорлик, илмий-тадқиқот, таълим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш. Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш.”-вазифаси белгиланган. Бугунги кунда 5,5 минг гектар яроқсиз боғлар ва 2,5 минг гектар тоқзорлар, яна бир қанча самарасиз иссиқхоналардан етарли фойдаланиш имконияти мавжуд.

Ҳозирги вақтда белгиланган вазифани бажарилишини таъминлашда, дунёнинг ривожланган мамлакатларида бошқарувининг инновацион методлари кенг қўлланиладиган иқтисодий ривожланишнинг – кластерли ёндашувига эътибор қаратилмоқда.[1].

Аммо кластерли ёндашувининг назарий услубий асослари ва уни амалда қўллаш борасида ҳозирга қадар тизимли илмий тадқиқот ишлари етарли олиб борилмаган.

Иқтисодий луғатда “Кластер сўзи инглизча «cluster» сўзидан олинган бўлиб, у турли хил нарсалар ёки одамлар гуруҳи, бирлашмаси деган маънони англатади.

“Кластер (англ. cluster — скопление, кисть, рой)– бир ҳудуддаги бир неча корхона ёки тадбиркорларнинг креатив ечим учун умумий интилиши.”[2]-деб таърифланган.

Айрим мамлакатлар қонун ҳужжатларида, “Иқтисодиётда кластер деганда аввало, ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган ҳамда функционал жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган турли хил субектлар, яъни ташкилотлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш

корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим масканларининг бирлашмаси тушунилади.”-деган фикр мавжуд.[3]

Бизнес кластери тушунчасини биринчи бўлиб фанга киритган Майкл Портер “Иқтисодиётни ривожлантиришнинг кластерли ёндашуви янгича бошқарув технологияси бўлиб, ушбу ёндашув нафақат алоҳида ҳудуд ёки тармоқ, балки бутун мамлакат рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради.” М.Портернинг назариясига кўра, кластер – бир вақтнинг ўзида ўзаро рақобатлашувчи, аммо шу билан бирга ҳамкорликда ишловчи, географик жиҳатдан бир ерга тўпланган, ўзаро бир-бирига боғлиқ компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, (университетлар, стандартлаштириш агентликлари, шунингдек савдо уюшмалари)нинг бирлашган гуруҳидир. Унинг фикрича, замонавий глобал иқтисодиётда нисбий устунлик оғир ишлаб чиқаришга молиявий маблағларни йўналтиришда эмас, балки инновацияларнинг доимий янгиланишига имкон берувчи фан ва таълимни ривожлантиришдадир.”[4]-деб ҳисоблайди.

А.А.Абдуллаевнинг фикрича “Кластерли ёндашув аввало янги бошқарув технологияси бўлиб, алоҳида ҳудудлар, тармоқлар ва ёки давлатларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.” [5]

З.Г.Рахимовнинг таъкидлашича “Кластерлар-бу минтақада тупланган,ўзаро боғлиқ бўлган компаниялар гуруҳлари, шу жумладан хом ашё, бутловчи қисмлар, маҳсулотлар,хизматлар ва уларни етказиб берувчилар ҳамда алоқа ташкилотларидан иборатдир.”[6]

Кластер тушунчасига хилма-хил фикрлар ва ёндашувларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан хорижий мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда, кластерлардан кенг фойдаланилмоқда.

1-расм

Кластерларни жорий этиш бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, ўрмон ресурсларининг 0,5 фоизига эга Финляндия кластери салмоғига, дунё бўйича дарахтдан қайта ишланган маҳсулотлар экспортининг 10фоизи ва қоғоз маҳсулотларининг 25фоизи тўғри келмоқда.[7]

АҚШда ЯИМ 60 фоизи кластерларга жалб қилинган корхоналар томонидан ишлаб чиқилади. ЕИ давлатларининг 38 фоиз ишчи кучи кластерларда фаолият кўрсатади. Норвегия, Швеция ва Дания иқтисодиёти деярли тўлиқ кластерлар билан қамраб олинган. [8]

АҚШда, 2010 йилги бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудий инновацион кластерлар ва бизнес-инкубаторларни ривожлантириш учун 100 млрд АҚШ доллари ажратилиши, миллий иқтисодиётнинг истиқболдаги рақобатбардошлигини оширувчи омиллардан бири сифатида белгиланган. Канадада ҳам кластерларни ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг бой тажрибаси тўпланган. Жумладан, ташкил этилган ва машҳур бўлган биотехнология кластери (Монреаль, Торонто, Ванкувер, Оттава, Галифакс); ахборот-технологиялари кластери (Монреаль, Онтарио); виночилик кластери (Ниагара), озиқ-овқат кластери (Торонто) ва бошқа кластерларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Германияда эса юқори самарадорликка эришган, Баден-Вюртембергдаги автомобилсозлик кластери, Тутлингендаги тиббиёт ускуналари кластери, Дрездендаги чиплар ишлаб чиқариш кластери ва Берлин-Бранденбургдаги биотехнологиялар кластерини мисол қилиб келтириш мумкин.

Францияда, микро ва нанотехнологияларга асосланган «Minalogic» кластерининг «Foremost» лойиҳаси доирасида юқори даражадаги микрочипларни яратиш учун 8 та давлатдан 24 та ҳамкор билан алоқалар ўрнатилган

Бу борада Ўзбекистонда ҳам хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда «миллий машинасозлик кластери» дастури асосида, машинасозлик тармоғи «инжиниринг бутловчи қисмлар – тайёр маҳсулот – савдо ва сервис» занжирини қамраб олувчи 8 та машинасозлик корхонаси, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 300 дан зиёд корхона, логистика, ички ва ташқи бозорлардаги савдо ва сервис тармоғи, саноат кластери усулида ривожлантирилади. Ушбу тизимнинг илмий инновацион фаолиятлари Турин политехника ва Андижон машинасозлик институтлари томонидан мувофиқлаштирилади.

Шунингдек бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилиб, «Технолог» ва «Агрегат» заводларидаги ускуналарни Чирчиққа кўчириш орқали кластер ташкил этилиши белгиланган. 2023 йилдан тўлиқ ишга тушириладиган ушбу кластер агробизнес техникаси ишлаб чиқаришни 2 баробарга ошириш, уларнинг таннархини 12 фоизга камайтириш ҳамда экспорт ҳажмини 15 миллион долларга етказиш имконини беради. [9]

Тошкент вилоятида 15та тадбиркорлик субъектлари биргаликда мебел ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиши натижасида ишлаб

чиқариш ҳажмини 10 баробаргача ошириш, ва мебеллар нархини 30 фоизга камайтириш имконияти яратилади.[10]

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28 январ 2022 йил ПФ-160 Фармони

2. Инновацион кластерларни шакллантиришнинг АҚШ тажрибаси/ Иқтисод ва молия/ 2017, 7

3. Kun.uz'dan «инновацион» луғат: «трендсеттер»дан «стартап» гача <https://kun.uz/news/2022/02/24/jonatma-yuboring-va-iphone-yutib-olish-imkoniyatiga-ega-boling>

4. <http://www.promcluster.ru>. / Торгово-промышленная палата Российской Федерации. Кластеры в федеральном законодательстве и законодательстве г.Москвы

5. Porter M. Clusters and the new economics of competition. // Harvard Business Review. Nov/Dec, 1998, vol.76, issue 6. -P. 77.

6. Абдуллаев А.А.,Миллий иқтисодиётда кластерларни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили/иқтисодиёт ва молия, 2017,№7,27-бет.

7. Рахимов З.Г.Функционирование и развитие экономики региона на основе формирования инновационного кластера(на примере возможного развития специальной индустриальной зоны «Ангрен»), Иқтисод ва молия, 2013, №7, стр.

8. Oulu Region – The Direction for Expertise. Oulu: Painotalo Suomenmaa, 2003. P.24

9. Моржакова К.Э., Крюкова О.Г., Особенности инновационных кластеров. // Электронный научно- экономический журнал «Стратегия бизнеса», 2016, №6 (26).

10. <https://xs.uz/uzkr/post/mashinasozlik-klaster-usulida-rivozhlantiriladi>

11. <https://kun.uz/news/2021/06/28/klasterlar-ishga-tushsa-mebellar-narxi-30-foizga-arzonlashadi-muxtor-umarov>